O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

Миллий Тиклаиш

MILLIY TIKLANISH

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2008 йил 16 (453)-сон 16 АПРЕЛЬ Чоршанба

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Шу йил 15 апрель куни Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Бугунги кунда бунёдкор Самарқанд аҳли ҳаётимизнинг кўпгина соҳа ва тармоқларида катта ютуқ ва натижаларни қўлга киритаётганини алоҳида таъкидлаш зарур, деди Юртбошимиз.

Маълумки, Самарқанд ўзининг иқтисодий-ижтимоий салоҳияти билан юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган етакчи вилоятларимиздан бири ҳисобланади. Буни мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 6,3 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 13 фоиздан зиёди, хизматлар ва сервис соҳасининг 8 фоизи бугун мана шу вилоят ҳиссасига тўғри келаётганида ҳам кўриш мумкин.

Эътиборли томони шундаки, ана шундай салоҳият йилдан-йилга ортиб ва мустаҳкамланиб, вилоят иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Биргина 2007 йили вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 10,5 фоизга, саноат маҳсулотлари 24,6 фоиз, қишлоқ хўжалиги 6,3 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаси 37 фоиз, экспорт ҳажми эса 35 фоизга ошгани ҳам бу фикрни тасдиқлаб турибди. Масалан, саноат соҳасини оладиган бўлсак, ўтган йилнинг ўзида бу ерда 21 та янги корхона ташкил этилиб, 10 та корхонада ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилгани, соҳа ривожига 10 миллион АҚШ доллари ва 1 миллиард 400 миллион сўм миқдорида хорижий ва маҳаллий инвестициялар жалб қилиниб, 1000 дан ортиқ янги иш ўрни яратилгани эътиборга лойиқ, албатта. Ана шундай корхоналарда кимёвий толалар, қурилиш материаллари ва мотор мойи сингари маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани, айниқса, автомобилсозлик саноати янги босқичга кўтарилганини алоҳида қайд этиш керак.

Бугунги кунда "СамАвто" заводида япониялик ҳамкорлар иштирокида ишлаб чиқарилаётган "Исузу" автобуслари ва юк автомобиллари нафақат мамлакатимиз, балки дунё бозорида ҳам ўз харидорини топмоқда. Ҳозирги пайтда ушбу корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида яқин вақт ичида бу ерда йилига 12 минг дона автобус ва юк автомобиллари ишлаб чиқариш имкониятига эга бўламиз.

Қадимдан тадбиркорлик ва ишбилармонлик фазилатлари билан ном қозонган Самарқанд заминида кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам ривожланиб бормоқда. Ўтган йил давомида бу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши 66,4 фоизга етгани ҳам шундан далолат беради. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 36 мингдан ортиб, вилоят бўйича ташкил этилган жами янги иш ўринларининг 83 фоизи, иш билан банд бўлган аҳолининг эса 75 фоизи айнан шу тармоқ ҳиссасига тўғри келаётганини ижобий баҳолаш зарур.

Самарқанд вилоятининг мамлакатимиз агросаноат мажмуида ўзига хос муҳим ўрин эгаллашини барчамиз яхши биламиз. Ҳозирги кунда вилоятда 24 мингдан зиёд фермер хўжалиги самарали фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда бу борада ҳуқуқий, моддий ва молиявий жиҳатдан зарур шарт-шароитлар, тегишли инфратузилмалар яратиб берилгани бу соҳани кенг ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлмоқда. Ўтган йили воҳада етиштирилган пахтанинг юз фоизи, ғалланинг эса 80 фоизи фермер хўжаликлари томонидан тайёрлангани фермерлик ҳаракати чиндан ҳам ҳал қилувчи кучга айланиб бораётгани, унинг имкониятлари ва истиқболи катта эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Умуман олганда, 2007 йилда вилоят бўйича 255 минг тоннадан зиёд пахта, 690 минг тонна ғалла, 834 минг тонна сабзавот, 184 минг тонна мева, 296 минг тонна узум етиштирилганини бугун миннатдорлик билан тилга оламиз.

Биз учун устувор масала бўлмиш ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар ҳақида гапирадиган бўлсак, 2007 йили Самарқанд вилоятида 900 минг квадрат метр уй-жой барпо этилиб, 72 километр табиий газ, 195 километр ичимлик суви тармоқлари ишга туширилганини қайд этиш ўринлидир, деди давлатимиз раҳбари. Ана шундай ишлар натижасида ҳозирги кунда вилоятда аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 88 фоиздан ошгани, албатта, бу борада салмоқли қадам қўйилганини кўрсатиб турибди.

Ўтган йили вилоятда 27 минг ўқувчи таълим оладиган 67 та мактаб, 15 минг 400 ўринли 12 та касб-ҳунар коллежи, магистрал йўллар, замонавий меҳмонхоналар, янги-янги тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, савдо ва маиший объектлар фойдаланишга топширилгани нафақат Самарқанд шаҳри, балки бошқа шаҳар ва туманларнинг ҳам обод бўлиб, қиёфаси тобора очилиб боришига ҳисса қўшмоқда.

Шундан сўнг Ислом Каримов Самарқанднинг катта салоҳиятини, бу ерда ҳали-ҳануз очилмаган ва ишга солинмаган имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, бугун вилоятда қўлга киритилган марралар билан кифояланиб бўлмаслигига эътиборни қаратди. Президентимиз бу фикрнинг исботи сифатида ҳозирги кунда Самарқанд вилояти республика эришган ўртача кўрсаткич ва ютуқлардан баъзи бир етакчи соҳаларда орқада қолаётганини таъкидлади ва қуйидагиларни қайд этиб ўтди.

Агар ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 24 фоиз бўлган бўлса, Самарқандда бу кўрсаткич анча паст, яъни 10,5 фоизни ташкил этди. Айтиш керакки, бундай ҳолат бир вақтлар Тошкент шаҳридан кейин индустрия ривожига энг катта ҳисса қўшиб келган Самарқанд шаҳри ва умуман, вилоятнинг улкан имкониятлари даражасида эмас.

Ҳеч кимни қониқтирмайдиган бундай аҳволни ўзгартириш авваламбор замонавий саноат корхоналарини, янги индустрия иншоотларини қуриш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва илғор технология билан қуроллантиришни талаб қилади. Лекин, таҳлиллар шуни кўрсатадики, айнан мана шу муҳим йўналишда Самарқанд вилоятида оқсоқлик кузатилмоқда. Яъни, умумий капитал маблағларининг индустриянинг асосий фондларини кўпайтиришга ва умуман, қурилиш соҳасига йўналтирилган улуши республикамиз миқёсида 23 фоиз бўлгани ҳолда, Самарқанд вилоятида бу кўрсаткич бугунги кунда 7 фоизни ташкил қилади, холос.

Кейинги пайтда вилоятдаги саноат корхоналарининг аксариятида ишлаб чиқариш самарадорлиги пасайиб, уларнинг иқтисодий аҳволи оғирлашиб бораётгани барчамизни ташвишлантириши табиий, албатта, деди Юртбошимиз. Шу борада юртимизда холодильник ишлаб чиқаришга ихтисослашган ягона корхона бўлмиш "Сино" акциядорлик жамиятидаги ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Катта салоҳиятга эга бу корхонада кўп йилдан буён ишлаб чиқариш имкониятларининг фақатгина 5-10 фоизи миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, Самарқанд лифтсозлик заводида 2007 йили бор-йўғи 303 та лифт тайёрлангани, натижада корхона ночор молиявий аҳволга юз тутгани ҳам одамни афсуслантиради.

Айни пайтда вилоятда илгари хусусийлаштирилган бир қанча саноат корхоналаридаги аҳволни ҳам ижобий баҳолаш қийин. Масалан, 58 та ана шундай корхонадан 36 таси ҳозирги вақтда тўла қувват билан ишламаётгани, 22 таси эса мутлақо фаолият кўрсатмаётгани жиддий муаммо бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда аввал ҳам кўп марта айтилган бир фикрни яна такрорлашга тўғри келади. Яъни, бугунги кунда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилмасдан ва замонавий технологияларни олиб келмасдан туриб, бундай корхоналарни оёққа турғизиб бўлмайди. Афсуски, бу масалага ана шундай муносабат ҳали ҳам кўпчилик раҳбар ва мутасаддилар онгида шаклланган йўқ. Буни ўтган йили мамлакатимиз бўйича ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг атиги 1,5 фоизи Самарқанд вилояти ҳиссасига тўғри келгани, Қўшработ, Нарпай, Оқдарё ва Булунғур туманларида бу борада ҳеч қандай иш қилинмагани ҳам исботлаб турибди. Энг ачинарлиси, Иштихон ва Нуробод туманларида 2005 йилдан буён чет эл инвестицияси иштирокида бironта ҳам корхона ташкил этилмаган.

Янгича фикрлаш ва ташаббуснинг етишмаслиги туфайли вилоятдаги "Каттақўрғон ёғ-мой", "8 март", "Нафис" акциядорлик жамиятлари, "ЎзБАТ" корхонасининг Ургут филиали, "Амин инвест интернейшнл" қўшма корхоналари ҳам оғир аҳволга тушиб қолган.

Бундай ҳолатнинг сабаблари ҳақида гапирганда, вилоятдаги кўпчилик корхоналарнинг асбоб-ускуналари ва дастгоҳлари ниҳоятда эскириб қолганини қайд этиш лозим. Миссол учун, "Гранит" ва "Каттақўрғон ёғ-мой" корхоналарида асосий ишлаб чиқариш воситаларининг эскириш даражаси 80 фоизни ташкил этмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу соҳада вужудга келган бундай салбий аҳволни тубдан ўзгартириш мақсадида бугунги кунда аниқ режа ва дастурлар ишлаб чиқилаётгани ҳақида тўхталиб, жумладан, қуйидаги лойиҳаларга эътиборни қаратди.

Аввало, Хитойнинг "Хаер" компанияси билан ҳамкорликда "Сино" корхонасини қайта реконструкция қилиш ва шу асосда бу ерда йилига ўртача 330 минг дона холодильник ва кондиционер ишлаб чиқаришга эришиш лойиҳаси устида иш олиб борилаётганини айтиш зарур. Шунингдек, Самарқанд лифтсозлик заводини ҳам модернизация қилиш ҳисобидан бу ерда кейинги икки йилда 2,5 минг дона юк ва одам ташийдиган замонавий лифт ишлаб чиқариш устида амалий ишлар бошлаб юборилди.

Юқорида тилга олинган заводлар ва шулар қаторида бошқа йирик корхоналарни реконструкция қилиш, бунинг учун чет мамлакатлардан тегишли сармоя, маблағ ва технологияларни олиб келиш масаласида вилоят ҳокимлиги, умуман, шу ишга мутасадди бўлган раҳбарларнинг ҳиссаси сезилмаётгани, улар кўп ҳолларда фақат кузатувчи бўлиб ўтиргани сессияда афсус билан қайд этилди.

Бугунги кунда жаҳон бозорида озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж кескин ошиб бораётганидан, ўйлайманки, барчамиз яхши хабардормиз, деди Ислом Каримов ўз фикрини давом эттириб. Шундай ҳолатни инобатга олиб, юртимиздаги кенг имкониятлардан фойдаланиб, экспорт ҳажмини ошириш мақсадида ҳуку-

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ў.И.БАРНОЕВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 /15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Ўктам Исоевич Барноев Самарқанд вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.Каримов**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 15 апрель

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ ёшларга катта эътибор қаратилди. Жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши эса ёш авлоднинг жамиятимизда юз бераётган муҳим иқтисодий-ижтимоий, сиёсий жараёнлардаги ўрнини оширишга хизмат қилади, албатта.

ТАШАББУСКОР ЁШЛАР МАДАДИГА ТАЯНАМИЗ

ЎзМТДП тадбири

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг «Жамиятни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ёшларнинг ўрни ва роли» мавзуидаги илмий-амалий конференцияси ҳам ана шу долзарб масалага бағишланди. Анжуманда Марказий кенгаш аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашларининг «Ёшлар қаноти» раислари, партиянинг ташаббускор гуруҳи аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Уни ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, парламент қуйи палатаси Спикери ўринбосари Хуршид Дўстмуҳамедов очди.

— Бугун глобаллашув жараёни шиддат билан бутун дунёни қамраб олмоқда, — деди нотиқ. — Шубҳасиз, мамлакатимиз ҳам бундан мустасно эмас. Айни шу жараён ёшлар таълим-тарбиясига жиддий эътибор беришни талаб қилади. Уларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий масалаларда фаол иштирок этишларини таъминлашга ҳам жиддий эътибор берилиши лозим. Айрим ёши катталар: «Бизнинг давримиз бошқача эди, ҳозирги ёшлар биздай эмас, биз ўқирдик, кўп изланардик, тарбиямиз ҳам бошқача эди», — деб нолиб қолишади. Шу ўринда бир мулоҳаза: ёшларимизнинг ўзи бу каби фикрларни қандай қабул қилишади? Ўзлари ҳақидаги бундай мулоҳазаларни тўғри деб билишадими? Бу гапларга қўшилишадими? Шундай экан, биз уларнинг кўнглига қўл солишимиз, қалбига йўл топа билишимиз керак. Ёшлар «айниган» бўлса, бу фақат уларнинг эмас, катталарнинг ҳам айби эмасми? Демак, ҳозирги вазият биздан катта масъулият талаб қиляпти. Ёшларимизни турфа ёмон йўллардан, ахборот хуружларидан, зарарли оқимлардан, оммавий маданиятга кўр-кўрона эргашиб кетишдан асрашимиз керак. Глобаллашишга қўшилиш керак, лекин миллий қадриятларимизга зарар етказиш эвазига эмас! Тан олиш керак, оммавий маданият ёшлар ижодида кўзга ташланади. Айниқса, қўшиқчилик соҳасида. Аслида бунга ўзимиз айбдормиз. Ёшларга тақиқлайвериш эмас, тушунтира олиш лозим. Биз ёшларимизни оммавий маданиятнинг қурбонига айланишига йўл қўймаслигимиз керак. Бунинг учун ўтказилаётган бугунгидек тадбирларнинг амалий самараси, таъсирига эътибор қаратиш керак бўлади. Ёшларимиз ҳаракатчан, изланувчан, тиришқоқ, ўзларига ишонишади. Биз ҳам уларга ишонамиз.

Давоми 3-бетда

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, партия Марказий кенгаши девони ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Йиғилишни парламент қуйи палатаси Спикери ўринбосари, партия фракцияси раҳбари Хуршид Дўстмуҳамедов олиб борди.

Фракция йиғилиши

Кун тартибидаги биринчи масала — "Техник тартибга солиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси (биринчи ўқиш) тўғрисида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Шавкат Каримов ва партия фракцияси аъзоси Сарвар Абдуллаев ахборот берди. Улар қонун лойиҳасининг жамиятимизда тутган муҳим ўрни хусусида тўхталиб, бир қатор имкониятларни ҳам юзага келтиришини алоҳида таъкидлашди. Ушбу лойиҳа Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йилнинг 10 ноябридаги "Бутунжаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича Идоралараро кенгашни ташкил этиш тўғрисида"ги 45-сонли ва 2006 йилнинг 21 декабридаги "2007 йил учун Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича иш Режасини тасдиқлаш тўғрисида"ги 264-сонли қарорларини бажариш мақсадида тайёрланган.

Қонун лойиҳаси техник тартибга солиш соҳасида ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинишини такомиллаштириш мақсадини кўзлайди. Уни ишлаб чиқиш жараёнида Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган бошқа давлатларнинг амалдаги қонунлари ҳам ўрганиб чиқилди. Фракция аъзолари қонун лойиҳаси муҳокамасида фаол иштирок этдилар. Лойиҳа юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришди. Уларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтаришди. Шундан сўнг лойиҳа фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси (биринчи ўқиш) ҳақида Қонунчилик, суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Фахриддин Ражабов ахборот берди. Фракция аъзолари қонун лойиҳасини атрофлича кўриб чиқиб, қизғин муҳокама қилишди. "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси (иккинчи ўқиш) юзасидан Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Насим Алимов, "Ветеринария тўғрисида"ги ҳамда "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳалари (иккинчи ўқиш) бўйича Аграр, сув хўжалиги ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Улуғбек Вафоев, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси (иккинчи ўқиш) ҳақида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Самидилло Маҳмудовларнинг ахборотлари тингланди. Депутатлар бу муҳим масалаларни атрофлича муҳокама қилдилар. Муҳокамаларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Мунира Қориева, Шарифа Салимова, Раъножон Зарипова, Абдуғафур Маматов ва Абдурашид Тўхтабоевлар фаол иштирок этди. Шунингдек, депутатлар қонун лойиҳалари юзасидан ўз таклифлари, фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Фракция йиғилишида "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ҳудудий кенгашларида Ёшлар йили муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар ҳамда партиянинг жорий йилнинг биринчи чорагидаги молиявий ҳисоботи кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

Газетамизга «Ўзбекистон почтаси» АЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида обуна давом этаётганлигини эслатиб ўтамиз.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Давоми. Боши 1-бетда

матимиз томонидан тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, вилоятдаги мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган 12 та заводни модернизация қилиш режаси ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, Тайлоқ, Самарқанд, Пайариқ, Булунғур ва Оқдарё туманларидаги агрофирмалар ва фермер хўжаликларига 15 та мини-технологияни жорий этиш кўзда тутилмоқда. Натижада мазкур туманларда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини 32 фоиздан 43,5 фоизга етказиш мўлжалланмоқда. Лекин Самарқанд воҳасида мавжуд бўлган қайта ишлаш корхоналари фаолиятига баҳо берар эканмиз, бу борада ҳам жиддий муаммолар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Айниқса, Пахтачи ва Каттақўрғон туманларида ҳозиргача мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган биронта корхона ташкил этилмагани, яхши ният билан тузилган агрофирмаларнинг кўпчилиги самарасиз фаолият кўрсатаётгани, албатта, ҳеч кимни қониқтирмайди.

Сессияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида вилоят эришган ижобий натижалар билан бирга, бу борада ўз ечимини топмасдан келаётган муаммолар юзасидан ҳам зарур фикр ва хулосалар баён қилинди.

Бугунги кунда вилоятдаги мавжуд кичик бизнес субъектларининг 71 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасида, қарийб 10 фоизи савдо ва умумий овқатланиш йўналишида фаолият кўрсатмоқда. Лекин айни пайтда замонавий тараққиётни белгилаб берадиган саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа, ахборот хизматлари, кўчмас мулк операциялари каби тармоқлар бўйича уларнинг улуши паст даражада қолмоқда.

Вилоят иқтисодиётидаги бундай камчилик ва нуқсонлар, табиийки, молиявий аҳволга ҳам салбий таъсир ўтказмоқда. Ҳозирги вақтда ҳудуддаги 16 та шаҳар ва тумандан 11 таси дотацияда бўлиб, айниқса, Қўшработ, Булунғур, Пайариқ, Тайлоқ, Иштихон, Каттақўрғон ва Пастдарғом туманларида дотация даражаси юқори бўлиб турибди.

Президентимиз ўз нутқида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш борасида долзарб бўлиб турган вазифалар ҳақида атрофлича тўхталиб, вилоят ҳокимидан тортиб мелиорация соҳасида ишлаётган барча мутахассисларгача бир тану бир жон бўлиб, ишни тўғри ташкил этиши, махсус пудратчи ташкилотлар тузиш, ажратилган молиявий ресурслардан оқилона ва самарали, мақсадли фойдаланишга эришиш каби масалалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини уқтириб ўтди.

Бундай мақсадларга эришиш вилоят ва туман раҳбарларидан, соҳа мутахассисларидан ташкилотчилик ва қатъиятлик, шижоат ва сафарбарликни талаб қилади, деди Ислом Каримов. Бу ҳақда гапирганда, такрор ва такрор айтишга тўғри келади: бизнинг мақсадимиз – ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш ҳисобидан нафақат далада ишлаётган деҳқон ва фермерларнинг фаровонлигини юксалтириш, балки бутун халқимизнинг эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, мамлакатимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан ишончли таъминлаш ва экспортга йўналтирилган товарлар ҳисобидан валюта даромадларимизни кўпайтиришдан иборат.

Маълумки, юртимизда амалга оширилаётган барча дастурлар, тадбир ва ҳаракатлар аввалambор, аҳолининг оғирини енгил қилиш, унинг фаровонлигини ошириш, янги босқичга кўтаришга қаратилган, деди Юртбошимиз. Агар шу кўз билан Самарқанд воҳасида ижтимоий соҳада мавжуд бўлган аҳволни баҳолайдиган бўлсак, бу йўналишда ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп. Биргина коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида дебиторлик қарзларини камайтириш бўйича етарли чора-тадбирлар кўрилмагани оқибатида уларнинг миқдори ҳозирги кунда 180 миллиард сўмдан ошиб кетгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Вилоятдаги 200 та уй-жой мулкдорлари ширкати 1 минг 340 та кўп қаватли уйга хизмат қилмоқда. Лекин таҳлиллар шуни кўрсатадики, бу ширкатларнинг аксарияти номигагина тузиб қўйилган. Шунинг натижасида 1991 йилгача қурилган 125 та кўп қаватли уйни капитал таъмирлаш ишлари 2007 йилда 61 фоизга бажарилган бўлса, жорий йил режасига киритилган 125 та уйда бу ишлар ҳанузгача бошланмаган. Яъни, ана шу уйларда яшайдиган юзлаб одамларни кўпдан буён қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича ишлар ўлда-жўлда қолиб келмоқда.

Биз учун нафақат ижтимоий, айни пайтда, сиёсий аҳамиятга эга бўлган аҳолини иш билан таъминлаш масаласини оладиган бўлсак, вилоятда бу соҳада ҳам қатор камчиликлар борлигини таъкидлаш зарур. 2007 йил якунларига кўра, вилоятда ишсизлар сони 64 минг кишини ташкил этган бўлса-да, бандлик хизматлари идораларидан расман рўйхатдан ўтганлар сони озчиликни, яъни 1 минг 652 кишини ташкил қилади.

Давлатимиз раҳбари доимий, барқарор иш ўринлари яратиш масаласи биринчи галда ҳокимликлар, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг кундалик эътибори ва назоратида бўлиши шартлигини таъкидлади.

Бугун Самарқанд вилоятида мавжуд бўлган аҳволни атрофлича таҳлил қилар эканмиз, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, аввалambор зиммасига юксак вазифа, шу билан бирга, ўта катта масъулият юкланган вилоят раҳбари фаолиятига танқидий баҳо беришимиз ҳар томонлама ўринли бўлади, деди Юртбошимиз.

Агар шу нуқтаи назардан қараб, вилоят раҳбари вазифасини бажарувчи А. Баҳромовнинг иш фаолиятини кўздан кечирадиган бўлсак, минг афсуски, уни ижобий баҳолаш қийин.

Маълумки, бу шахс 2005 йилнинг охирида Самарқанд вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари этиб тайинланган эди. Уни бу вазифага тайинлашда мутахассислиги, олдинги иш фаолияти, жумладан, Вазирлар Маҳкамасида анча вақт масъул лавозимларда хизмат қилгани, 2003-2005 йилларда эса "Ўзбекенгилсаноат" уюшмасида раҳбар бўлиб ишлагани ҳисобга олинган эди. А. Баҳромовга бу вазифани топширар эканмиз, у вилоятнинг собиқ ҳокими Мамаризо Нурмуродовнинг иш фаолияти самарасини оширишга, айниқса, Самарқандда катта салоҳиятга эга бўлган енгил саноат тармоғини янги босқичга кўтариш, иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган саноат корхоналарини оёққа турғизишга ҳисса қўшади, умуман, вилоят иқтисодиёти ривожига янги туртки беради, деб умид қилган эдик, деди Президент.

Охирги пайтда М. Нурмуродовнинг саломатлиги ёмонлашгани, вилоятнинг биринчи раҳбари вазифасини бажаришга ҳар томонлама куч-қуввати етмаганини инобатга олиб, Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2006 йил декабрь ойида бўлиб ўтган сессиясида уни ўз вазифасидан озод қилишга тўғри келган эди. Айни пайтда А. Баҳромов Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини вақтинча бажарувчи этиб қўйилган эди. Нима учун айнан вазифани вақтинчалик бажарувчи, деб қарор қабул қилинди, деган масала ҳақида тўхталар экан, Юртбошимиз қуйидаги фикрларни алоҳида уқтириб ўтди.

Чунки Самарқанддек бой ва кўҳна тарихга, улкан салоҳиятга, аввалambор, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган йирик бир вилоятга раҳбарлик қилиш нақадар мураккаб ва масъулиятли эканини барчамиз яхши тушунар эдик. Бошқача айтганда, бу ўта муҳим вазифа раҳбар олдига қандай юксак талаблар қўйишидан келиб чиққан ҳолда, бу шахс ўз устида ишлаб, вилоят фаоллари ва депутатларига, мутахассисларга суяниб-таяниб, билмаганини ўрганиб, шу асосда тажриба орттириб, воҳанинг муаммоларини ечиш, вилоятнинг обрўйига обрў қўшишда бутун борлиғини бериб ишлайди, деб ўйлаган ва синов тариқасида уни шу лавозимга тайинлаган эдик.

Аммо, бугун афсус билан айтиш керакки, ана шу лавозимга ўтиши, қўлида катта ваколат пайдо бўлиши, олдида янги имкониятлар очилиши билан бу одамнинг боши айланиб, оёғи ердан узилиб, бошқаларнинг, аввало, ўз муовинлари, вилоят ташкилотларининг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, жамоатчиликнинг фикри билан ҳисоблашмасдан, манманлик ва ўзбошимчаликка берилиб кетгани, бир сўз билан айтганда, ўзига нисбатан талабчанлик ва назоратни йўқотгани намоён бўла бошлади. Айниқса, унинг иш услубида бошқаларни менсимаслик, ўзини ҳаммадан устун қўйиш, қўполлик ҳолатлари кучайиб боргани кўплаб эътирозларга сабаб бўлаётгани ҳам сир эмас.

Энг номаъқул томони шуки, унинг хатти-ҳаракатларида эл-юрт ишонч билдирган раҳбарга мутлақо тўғри келмайдиган аломатлар, яъни одоб ва ахлоқ нуқтаи назаридан кўпчиликка ўрнак бўлиш ўрнига, бу талаблардан йироқ бўлиб юриш, маънавий чегарадан чиқиш ҳеч чидаб бўлмайдиган даражага етиб борганини кўп мисоллар тасдиқлайди. Нафс балосига гирифтор бўлиб, қинғир-қийшиқ, жиноий ишларга берилиб кетган шахслар ва тўдалар билан Баҳромовнинг алоқалари қалинлашиб кетгани, қўпорувчи ишлар билан шуғулланувчи шахсларга унинг оталиқ қилгани кўп нарсани, аввалambор, унинг ҳақиқий ички дунёсини ифодалайди.

Албатта, вилоятнинг биринчи раҳбари томонидан йўл қўйилган ўзбошимчалик, бундай хунук ҳолатлар ҳақида бугун кўпгина маълумотларни келтириш мумкин ва ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси бўйича вақти-соати билан қонун асосида баҳо берилади ва жамоатчиликка маълум қилинади.

Табиийки, вилоят раҳбарининг ана шундай хатти-ҳаракатлари, масъулият ва жавобгарликни бутунлай унутиб қўйгани бу ҳудуддаги ишларнинг аҳволига, маънавий муҳитга, энг ёмони, ҳокимиятнинг обрў-эътиборига, одамларнинг адолатга бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатишини тасаввур қилиш қийин эмас. Ҳаётнинг ўзи шуни тасдиқлаб берадики, юқори поғоналарда тартиб-интизом, талабчанлик бўшашиб, ўзибўларчиликка йўл очиб берилса, жойларда ўз вазифасини суиистеъмол қилишлар, порахўрлик ва бузғунчиликка йўл очилади. Шунинг учун ҳам фақат кейинги пайтнинг ўзида вилоятда 10 нафар раҳбарни алмаштиришга тўғри келди.

Бу ҳақда гапирганда, ўз иш фаолиятида жиддий нуқсонларга йўл қўйгани учун Иштихон тумани ҳокими Х. Шукуралиевнинг эгаллаб турган лавозимидан озод этилганини, Каттақўрғон шаҳрининг собиқ ҳокими Д. Маматқулов эса ўз мансаб вазифасини суиистеъмол қилиб, давлат мулки бўлган қатор объектларни қонунга хилоф тарзда хусусий фирмаларга бериб юборгани, 300 миллион сўм миқдоридаги бюджет маблағининг мақсадсиз сарфланишига йўл қўйгани учун суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилганини айтиш лозим.

Айтиш керакки, биз бундай ҳолатлар билан ҳеч қачон муроса қилмаганмиз ва бундан кейин ҳам муроса қилмаймиз. Бу ҳақиқатни ҳамма қулоғига қўрғошиндек қуйиб олиши керак. Қонун барча учун баробар. Ўзбекистонда доимо тартиб бўлган, бундан кейин ҳам тартиб бўлади, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. А. Баҳромов Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи лавозимидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига кўра, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган Ўктам Барноев Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Самарқанд аҳли ҳамиша олижаноб мақсадлар билан яшашга ўрганган, ўз кучи ва салоҳиятига ишониб, ғурур билан яшаб келаётган халқ. Ўзининг ҳалол меҳнати, азму шижоати, изланувчанлиги билан ҳар қандай қийинчилик ва синовларни енгиб, улкан марраларни эгаллашга қодир халқ. Ишончим комилки, сизлар, бутун воҳа меҳнаткашлари вилоятнинг янги раҳбари атрофида бирлашиб, белни маҳкам боғлаб, мавжуд муаммоларни тез орада бартараф этиб, Самарқанднинг обрў-эътиборини янада юксалтиришга алbatta эришасизлар. Бунинг учун сизларда ҳамма нарса — билим ва тажриба ҳам, ташаббус ва изланиш, қатъият ва интилиш ҳам етарли, деди пировардида давлатимиз раҳбари.

Сессияда сўзга чиққан Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети ректори Темур Ширинов, вилоят «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Матлуба Турдиева, Каттақўрғон туманидаги Пайшанба шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Самариддин Аҳмедов, Жомбой туманидаги «Фармасам Ко ЛТД» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Камолиддин Маҳмудов ва бошқалар Президентимиз нутқида ҳар томонлама таҳлил этилган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, барча соҳаларда ишни замон талаблари асосида ташкил қилиш, ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш, вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш суръатларини янги босқичга кўтариш, ана шу эзгу мақсад йўлида ҳамжиҳатлик билан фидокорона меҳнат қилиш энг муҳим ва долзарб вазифа эканини таъкидладилар.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида жойлашган Имом Бухорий мажмуига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари бу ерда Имом Бухорий номидаги ҳадис илми маркази ўқитувчи ва талабалари билан суҳбатлашди. Ушбу марказ фаолиятини такомиллаштириш, ўқув ва тарбия жараёнини чуқурлаштириш, талабалар учун ўқув ва яшаш шароитларини янада яхшилаш юзасидан тавсиялар берди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Фанлар академияси Физиология институтининг ташкил топишига катта ҳисса қўшган, Ўзбекистон физиологлари жамиятининг раиси, биология фанлари доктори, профессор Зиё Турсунов ҳаёт бўлганида бу йил ўзининг 85-баҳорини кутиб олган бўларди.

ФИЗИОЛОГИЯ ИЛМИНИНГ ФИДОЙИСИ

Хотира

Зиё Турсунов Тошкент давлат тиббиёт институтида Н. В. Данилов, З. И. Умидова, М. Н. Слоним, А. Ю. Юнусов каби тиббиёт фанининг дарғалари ва машҳур педагоглардан сабоқ олди. У устози академик Адҳам Юнусов вафотидан сўнг, 1971 йили ЎзФА физиология бўлимига раҳбар этиб тайинланди. Зиё Турсунов ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан мазкур бўлим асосида 1975 йили ЎзФА физиология институти ташкил қилинди. Унинг бошчилигида институт жамоаси томонидан иссиқ иқлим шароитида инсон ва ҳайвон физиологиясини ўрганиш бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб борилди. Ушбу тадқиқотлар асосида олинган натижалар ва янгиликлар дунё олимлари томонидан эътироф этилиб, хорижнинг илмий журналларида кенг ёритилди.

Бу борада Зиё Турсуновнинг самарали изланишлари, эришган натижалари, яратган янгиликлари ва илмий асарлари ҳамда ташкилотчилик ва педагогик фаолияти алоҳида ўрин тутади. У Ҳиндистон, Франция, Австрия, Венгрия, Болгария, Чехословакия ва бошқа бир қатор давлатларда ўтказилган халқаро илмий конгресс, симпозиум ва конференцияларда ўз маърузалари билан қатнашиб, Ўзбекистон физиология мактабини жаҳонга танитди. Олим бу нуфузли анжуманларда нафақат оддий иштирокчи, балки уларнинг ташкилотчиларидан ва раҳбарларидан бири эди. Шу тариқа у физиология соҳасида халқаро илмий ҳамкорлик ўрнатилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Хусусан, «Сув-туз гомеостази механизмлари муаммоси»ни ҳал этиш бўйича Болгария, Венгрия, Германия, Чехословакия ва Польша олимлари билан илмий алоқалар ўрнатишда ва ҳамкорликда олиб борилган тадқиқотларда фаол қатнашиб, муҳим янгиликлар яратди.

Институтда Зиё Турсунов илмий ишларни дунё миқёсига олиб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш билан бир қаторда республикамизда физиология фанининг янги йўналишлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилишини ҳам таъминлади. Шахсан ўзи меъда деворларида ҳароратнинг ўзгариши ҳақидаги ахборотни симпатик ва парасимпатик нерв таркибида бўлувчи толалар орқали узатадиган иссиқлик сезувчи зоналар мавжудлигини аниқлаб, Ўзбекистон иқлим шароитидаги нейрофизиологик тадқиқотларга асос солди. Айни шу тадқиқот натижалари нейрофизиология соҳасининг дунёга машҳур олими, академик В. Н. Черниговский, И. П. Павлов номидаги физиология институтининг профессорлари Ю. Г. Кратин ва А. Д. Ноздрачев томонидан юқори баҳоланди. Олим Ҳиндистонда бўлиб ўтган физиологларнинг XXVI Халқаро конгрессида бу қимматли маълумотлар хусусида маъруза қилгани, маърузаси матни эса конгресс ташкилий қўмитаси тавсияси билан Нью-Дели шаҳрида, кейинчалик Австрияда 1,5 босма табоқ ҳажмида алоҳида рисола шаклида нашр этилгани бунинг тасдиғидир.

«Гомеостаз» умумдавлат дастурининг табиий муҳитга мослашиш ва мослаша олмаслик секцияси раиси ўринбосари сифатида ҳам Зиё Турсунов республика иссиқ иқлим шароитида организмнинг мослашиш масалаларига алоҳида аҳамият берди. У фанда иссиқ шароитга мослашиш жараёнида мушак фаолиятининг аҳамияти тўғрисида янги йўналишни ишлаб чиқиб, уни спортчилар миссолида исботлаб берди. «Сув-туз алмашинувининг мия пўстлоғи бошқаруви» номли монографиясида организмни ташқи муҳит шароитига мослашиш жараёнида марказий асаб тизими етакчи аҳамиятга эга эканлигини батафсил баён қилди.

Шуни таъкидлаш зарурки, Зиё Турсуновнинг мазкур китоби физиология соҳасидаги мукаммал асарлардан бири сифатида эътироф этилган. Умуман, 300 га яқин илмий мақолалар, 5 та монография, дарслик ва ўқув қўлланмалари унинг қаламига мансуб бўлиб, 22 та мақоласи эса чет элларда нашр қилинган. Олим илмий ишлар билан бир қаторда педагогик фаолиятини ҳам муваффақиятли олиб борди. У ТошМИ, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти, Низомий номидаги Тошкент педагогика университетида узоқ йиллар талабаларга маърузалар ўқиб, кафедраларни бошқарган. Унинг раҳбарлигида 20 дан ортиқ фан доктори ва номзодлари тайёрланган.

Устоз олимнинг моҳир тарбиячи эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Беш фарзандининг уч нафари фан доктори, профессор, бири бош муҳандис, яна бири кўз шифокори бўлиб етишишди. Улар эндиликда юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида самарали хизмат қилмоқдалар. Республика ҳукумати Зиё Турсуновнинг илмий-педагогик фаолиятини муносиб баҳолади: кўплаб орден ва медаллар билан тақдирланди.

Талабалар профессор Зиё Турсуновни кенг қамровли, ўта маданиятли устоз сифатида, ҳамкасблари эса бағрикенг, интилувчан, тиниб-тинчимайдиган заҳматкаш инсон ва Ўзбекистонда физиология фанининг тамал тошини қўйган фидойи олимлардан бири сифатида хотирлайдилар.

Малика АБДУЛЛАХЎЖАЕВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони, академик.

ХАТИРЧИДА ШУНДАЙ МАСКАН БОР

Ҳар йили юртимиздаги умумтаълим ўрта мактабларининг 9-синфини юз минглаб ўқувчилар битиради. Улар илм ва ҳунар сирларини пухта эгаллаш учун эзгу мақсадлар билан коллежлар остонасига қадам қўядилар. Бу каби орзуларнинг амалга ошишида эса турли йўналишларда фаолият кўрсатаётган касб-ҳунар масканларининг алоҳида ўрни бор.

Хатирчи туманидаги уй-жой коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежида 1057 нафар йигит-қиз таҳсил олмоқда. 2005 йилда ишга туширилган мазкур ўқув юрти қисқа вақт ичида том маънодаги илм-маърифат масканига айланди.

Коллеж педагогик жамоасини асосан ёшлар ташкил қилади. Улар дарсларни янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиб, олий даргоҳларда олган билим ва малакаларини издошларига пухта ўргатишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

— Ҳуқуқ фани ўқитувчиси Беҳзод Иброҳимов фидойи ёш кадрларимиздан бири, — дейди коллеж директори Назира Тоғаева. — У эндигина 26 ёшга кирган бўлса-да, яқинда «Ижтимоий иқтисод» кафедраси мудири вазифасига тайинланди. Бундай ёшларимиз қаторида Феруза Холиқова, Мунис Ҳамроева каби педагогларнинг борлиги жамоани қувонтиради. Улар ҳар соҳада фаол бўлишга интилишмоқда.

Китоб — билим булоғи, дейдилар. Бу сўзнинг ҳикматини яхши тушунган ёшларнинг китоб энг яқин ҳамроҳига айланган. Ўқув маскани ахборот-ресурс марказида 38000 китоб мавжуд бўлиб, талабалар улардан унумли фойдаланадилар. 110 ўринли қироатхонада илмга чанқоқ ёшлар вақтларини мазмунли ўтказишади. Марказ раҳбари Адолат Убайдуллаева бошчилигида китобхонлик тадбирлари, олим ва ёзувчилар билан учрашувлар, таниқли инсонларнинг таваллуд кечалари, кўплаб мавзулардаги семинарлар ташкил этилади. Бу каби тадбирлар фаол талабалар иштирокида янада файзли ўтади. «Заковат» клуби фаолияти яхши йўлга қўйилганлиги таҳсинга сазовор.

Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Нодира Ўлжаева ташаббуси билан ўтказилаётган тадбирлар ҳам қизиқарли, ҳам фойдалилиги билан аҳамиятга молик. Касб-ҳунар сирларини ўргатиш билан бир қаторда, ёш авлоднинг илм-маърифатли, ҳалол инсонлар бўлиб етишишида жонкуярлик билан фаолият олиб бораётган устозлар кўп. Амалиёт ўқитувчиси Ҳамза Рўзиев, жисмоний тарбия ўқитувчиси Худойқул Хидиров бошчилигидаги машғулотларга ёшлар катта иштиёқ билан қатнашадилар.

Айтиш лозимки, коллежда барча шароитлар мавжуд. Бироқ илм даргоҳида йигит-қизлар кўпроқ назарий билимлар билан чекланиб қолишмоқда. Чунки амалий машғулотларга керак бўлган жиҳозлар, техника воситалари, асбоб-ускуналар етишмас экан. Масалан, тикув машиналари, автомобилларни таъмирлов ускуналарига эҳтиёж катта. Умид қиламизки, вилоят касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан бу муаммолар тез орада барҳам топади.

Олтин дамларини сермазмун ўтказаётган хатирчилик ёшларнинг илм-маърифат нурлари билан юрт келажагини мунаввар қилишдек орзу-умидлари ушалади, албатта. Зеро, хайрли ниятларнинг натижаси ҳам хайрлидир.

Бахтиёр ТЕМУР,
«Миллий тикланиш» мухбири.

ТАШАББУСКОР ЁШЛАР МАДАДИГА ТАЯНАМИЗ

Давоми. Боши 1-бетда

Тадбирда таъкидланганидек, жорий йилда ёшлар ҳаётида ҳар жиҳатдан ижобий ўзгаришлар бўлишига эришиш зарур. Бунинг учун эса ҳамжиҳатликда ишлаш, режаларнинг қоғозда қолиб кетмай, амалда самара беришига, айниқса, уларнинг иқтидорлари, орзу-умидлари рўёбга чиқишига интилиш лозим. Ахир, она-юрт ва миллат келажаги ёш авлод қўлида. Бугун улар илму маърифат, касбу ҳунар сирларини пухта эгаллаб, ўз ишининг устаси бўлишса, эртага тафаккур билан қилган ҳар бир ишлари юрт ва миллат ҳаётини нурли манзиллар томон бошлайди.

Конференцияда Ёшлар йили муносабати билан партия олдидаги устувор вазифалар ва амалга ошириладиган тадбирлар йўналиши ҳам қизғин муҳокама қилинди. Бу тўғрисида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдуғафур Маматовнинг маърузаси тингланди.

— Миллий қонунчилигимиз асосида 500 дан зиёд қонун қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилган бўлса, уларнинг деярли барчасида ёшларнинг у ёки бу тарздаги манфаатларининг ҳуқуқий асослари ўз аксини топган, — деди у. — Бош Қомусимиз, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизга оид барча қонунларда, бевосита ёшлар фаолияти билан боғлиқ қонунлар, жумладан, "Таълим тўғрисида"ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида", "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида", "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида", "Фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш тўғрисида" ҳамда "Бандлик тўғрисида"ги қонунларда ёшларнинг ўқиши, билим олиши, фаолият юритишининг ҳуқуқий жиҳатлари мустаҳкамланган. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ ҳукуматимиз томонидан ёшлар ҳаётига жиддий эътибор қаратила бошланди. Таълим соҳасининг нафақат ташкилий-моддий асоси, балки унинг мазмуни тубдан ўзгарди. Бундан ташқари, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва маиший аҳволини яхшилаш мақсадида микромолиялаш, ипотека ва истеъмол кредитлари тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Ёшлар йили муносабати билан ишлаб чиқилган давлат дастурининг мазмун-моҳияти ҳам ёш авлоднинг маънавий камолоти йўлида қўйилган муҳим қадамдир. Ҳозирда аҳолининг 64 фоизини ташкил қилаётган ёшлар катта кучдир.

Шундан сўнг сиёсатшунослик фанлари доктори Муқимжон Қирғизбоев жамиятда ёшларнинг фаоллигини ошириш масалалари хусусидаги фикрларини йиғилганлар билан ўртоқлашди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши бўлим мудири Раҳматулла Ғойибназаровнинг маърузаси ҳам ёш авлод ҳаётида муҳим аҳамиятга эга масалалар хусусида бўлди. Айниқса, Навоий вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" раиси Фаррух Муҳаммадиевнинг фикрлари, таклифлари барчани мулоҳаза юритишга чорлади.

— Ҳар бир давлатда ёшларнинг фаоллиги муҳим ўрин тутади, — деди музокараларда сўзга чиққан Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори ўринбосари Адҳам Ҳамдамов. — Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш зарур. Ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий саводхонлигини ошириш мақсадида интерактив ва бошқа замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда семинар-тренинглар, дебатлар ва давра суҳбатлари ўтказиб туришимиз керак.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари, юридик фанлари доктори Лола Саидова ҳам муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини билдириб, жумладан шундай деди:

— Партиямиз сафидаги ёшларнинг ғайрат-шижоатлари барчамизни бирдек қувонтиради. Уларнинг бугунги тадбирдаги фаол иштироки ҳам бизларни умидлантирди. Бундай йиғилишлар ўзининг ижобий самарасини беради, албатта. Бир таклифим бор, партия фаолиятининг кўзгуси бўлган "Миллий тикланиш" газетасида махсус рукн ташкил қилинса, у сафимиздаги ёшларнинг минбари бўлса, биз — катталар ҳам мулоҳазаларимизни бериб борсак. Бундан ташқари, уларнинг фаолияти, қизиқишлари ҳамда эришаётган ютуқлари ёритиб борилса. Ўйлайманки, бу ҳар жиҳатдан фойдали.

Тадбирда, шунингдек, глобаллашув жараёнида ёшларни турли хил ахборот хуружлари, таҳдидлардан асраш, уларни етук, маънавий баркамол инсон қилиб тарбиялаш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Шу куни ёшларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг муаммолари, интилишлари ва демократлаштириш жараёнларидаги вазифалари бўйича илмий-амалий конференциялар ўтказиш каби масалалар юзасидан ҳам режалар белгилаб олинди.

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА,
Зумрад ВАҲОБОВА,
"Миллий тикланиш"
мухбирлари.

Азамат АҲМАД
олган суратлар.

СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ортиқали ҚОЗОҚОВ, ЎзМТДП Марказий кенгаши "Ёшлар қаноти" раиси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби:

— 2008 йилнинг Ёшлар йили деб номланиши барча ёшларни бирдек қувонтирди. Зиёлилар партиясининг «Ёшлар қаноти» вакиллари ҳам жорий йилда янги режалар асосида ишлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйишган. Доимо сафимиздаги ёшлар билан ҳамсуҳбат бўлишга, ҳамфикрликда ишлашга интилаяпмиз. Уларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш ҳар жиҳатдан яхши. Бу келажак учун ҳам фойдали. Шу мақсадни кўзлаб "Ёшлар йили" Давлат дастуридан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан партия Марказий кенгашининг иш режаси тузилди. 108 минг нафардан ортиқ партиядошларимизнинг 41,9 фоизини ёшлар ташкил қилади. Сафимиздаги ёш авлод вакилларини қўллаб-қувватлашга интилаяпмиз. Улар ҳамма нарсага улгуришга ҳаракат қилишади, ғайрат-шижоатли, ҳаракатчан. Тадбирларимизнинг асосини ёшлардаги шу ташаббусни қўллаб-қувватлаш, миллий қадриятларимизни уларнинг қалбига сингдириш каби муҳим масалалар ташкил қилади. Ахир, миллатнинг асл қиёфасини сақлаб қолиш ёшларнинг зиммасидаги улкан бурчдир. Партиямиз "Ёшлар қаноти" фаолиятининг янада жонланиши учун тажрибали кадрларимиз, айниқса, партия етакчилари янада фаол бўлишларини истар эдим.

Саида ЭШМУРОДОВА, Сурхондарё вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" раиси:

— "Ёшлар йили" Давлат дастури ва у асосида партия Марказий кенгаши томонидан тузилган дастур доирасида вилоят кенгашимиз фаоллари иштирокида йиллик иш режамизни ишлаб чиқдик. «Ёшлар қаноти» етакчилари ҳам махсус дастур ва режа асосида фаолият юритиб келишмоқда. Режага асосан барча ҳудудий кенгашларда ўқувчи, талаба ёшлар билан ишлаш борасидаги тадбирлар қайта кўриб чиқилди. Шу ўринда фаолиятимиздаги бир тажрибани айтиб ўтмоқчи эдим. Партия сафлари ёшлар ҳисобига кенгайиши йўлида фаолият олиб бораяпмиз. Айтмоқчи эдимки, бунда сон эмас, сифат муҳим. Шунинг учун ҳам партияга қизиқиш билдирган ҳар бир ёшга аввало миллий тикланиш ғоялари, партия Устави ва Низомидаги мақсад, вазифаларни батафсил тушунтирамиз. Натижада тенгдошларимиз партияга аниқ бир мақсад ва тушунча билан аъзо бўладилар. Бизнинг асосий мақсадимиз ҳам чин маънода партия ғояларини тушуниб, англаган аъзолар ҳисобига сафларимизни кенгайтиришдир. Бугунги тадбирни том маънода ёшлар анжумани дейиш мумкин. Тадбир баҳона вилоятлардан келган фаол, ташаббускор ёшлар билан ҳамсуҳбат бўлдик. Уларнинг режалари билан қизиқдик. Анжуман иштирокчилари жойларда бугун муҳокама қилинган муҳим масалаларнинг амалга ошишини назорат қилишади, бу жараёнда фаол қатнашишади. Бундай фойдали тадбирлар келажакда ўз мевасини беради, албатта.

Даврон КЕСИМОВ, Қарши шаҳар кенгаши раиси:

— Ҳудудимизда 700 нафардан ортиқ партия аъзосини бирлаштирган 25 та бошланғич ташкилот бор. Сафларимизнинг катта қисмини ёшлар ташкил қилади. Фаол, ташаббускор, ғайрат-шижоатли ёшларимизнинг мададига таяниб иш тутамиз. Олий ўқув юртлари ва коллеж талабалари, мактаб ўқувчиларининг кўнглидаги ёруғ истакларни рўёбга чиқаришга интилаяпмиз. Ёшларнинг иқтидорларини юзага чиқариш учун турли хил кўрик-танловлар ташкиллаштиришга одатланганмиз. Бу эса янги-янги истеъдодларни кашф қилишга йўл очмоқда. Бу каби катта-кичик ютуқлар "Ёшлар қаноти" раиси Ўктам Абдуллаевнинг ҳаракатчанлиги самарасидир. Ўтган йили партия Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган кўрик-танловда "Энг яхши туман (шаҳар) кенгаши" йўналиши бўйича биринчиликни қўлга киритганимиз сафимиздаги фаолларни янада руҳлантирди. Ёшларнинг таклифларини инобатга олиб жорий йилда қилинадиган ишларни ҳам режалаштириб олганмиз. Барчамизнинг бош мақсадимиз миллий тикланиш ғояларини юртдошларимиз қалбига етказиш, сафимизни янада кенгайтириб, хайрли мақсадларни янада кўпроқ амалга оширишдан иборатдир.

Беҳзод МАМАТҚУЛОВ, Тошкент шаҳар кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли:

— Пойтахтда ўтган партия ўқувлари, семинар йиғилишларида вилоятлардан келган ёшларнинг фикрларини билишга қизиқаман. Бугун ҳам шундай бўлди. Айниқса, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидаги "Ёшлар қаноти" фаолларининг таклифлари ўринли бўлди. Фикр алмашиш, жойлардаги "Ёшлар қаноти" етакчилари билан маслаҳатлашиб иш тутиш зарурлигини айтишди улар. Юртимизнинг чекка-чекка ҳудудларида ҳам мана шундай ғайратли, ташаббускор етакчиларимиз борлигидан қувондим. Уларнинг ҳаракатчанлиги қўпчилигимизга ўрнак бўлди.

2008 йил — Ёшлар йили

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН

Зарафшон тиббиёт коллежида фарзандларимизни миллий қадриятларимиз ва аждодларимиз қолдирган бой тарихий адабий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилган.

Шунингдек, ёшларни мустақил ва эркин тафаккурини ривожлантириш, уларнинг ахборот ресурс марказидан самарали фойдаланишлари ва амалдаги қонун ҳужжатларини ўрганишини таъминлаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилаётир. Бу тадбирларнинг натижаси ўлароқ ўтган йилнинг баҳорида республика ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Наврўз ва қадриятлар" танловида Феруза Қурбонова ғолибликни қўлга киритиб, устозларининг ишончини оқлади.

Коллеж раҳбарияти томонидан ўтган йили кам таъминланган оилалар фарзандларига ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган оилалар фарзандлари ўқув дарсликлари билан таъминланди. Бир сўз билан айтганда, бу ерда таҳсил олаётган ҳар бир талаба ўз келажагига ёруғ кўз билан қарайди. Сабаби, улар маънавияти юксак, билимли ва тажрибали устозлардан таълим-тарбия олишмоқда.

Б. ТЕМИРОВ.

КАДРЛАРИМИЗ САЛОҲИЯТИ БИЗНИ ҚУВОНТИРАДИ

дейди Қўқон педагогика коллежи директори Нафиса УСМОНОВА

Бугун Қўқон яшариб, янгиланиб, юртимизнинг обод шаҳарларидан бирига айланаяпти. Равон йўллар, замонавий бинолар кўҳна шаҳарга алоҳида чирой бағишлаяпти. Яратиш, яшнатиш иштиёқи меҳнат аҳлини улкан бунёдкорлик ишларига руҳлантирмоқда. Эски иморатлар ўрнига замонавий кўркам бинолар бунёд этиляпти. Эл маъмурчилиги йўлида хизмат қилаётган бозорлардаги шароитларни айтмайсизми. Илм ва тиббиёт масканлари давр талабларига жавоб берадиган даражага келтирилмоқда. Шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан ташкил этилаётган «Ёшлар шаҳарчаси» маҳаллий ёшларнинг энг севимли масканига айланишига ҳеч шубҳа йўқ.

Абу Тайиб Ҳўқандий мавзесидаги қурилиши тугалланмаган, бир неча ўн йиллардан буён қаровсиз ётган биноларда иш қизигандан қизияпти. Лойиҳа қуввати салкам бир миллиард сўмлик тўрт қаватли, ўттиз икки хонадонли дастлабки иккита уй Наврўз байрами арафасида ишга туширилди. Уларда кенг кўламли қурилиш ишларини олиб боришга бор-йўғи йигирма беш кун кифоя қилди. Ташаббусга Мираҳмаджон Акбаров бошқараётган «Мегатекстил плюс» ва Асрорбек Мадаминов раҳбарлик қилаётган «Газ сервис груп» масъулияти чекланган жамиятлари қанот бағишлаяпти. Маҳаллий ҳудудда катта ишларни амалга ошириб келаётган бу икки ташкилот йил бошида ўтказилган танловда иштирок этиб, ғолиб чиққан ва бу ердаги бунёдкорлик ишларини олиб бориш ҳуқуқини қўлга киритган эди. Улар ишончни оқлашди. Ёшлар йилининг илк чорагидаёқ ёш оилаларга қувонч улашишди. Бугун барча қулайликларга эга шинам хонадонларга эга бўлган келин-куёвлар давлатимизнинг ёшлар ва ёш оилаларга кўрсатаётган ғамхўрликларидан қувонишмоқда.

— Мустақилликнинг ўн етти йиллигига қадар яна учта уйни ишга туширамиз, — дейди шаҳар ҳокими Ҳаётхон Каримов. — Энг улуғ, энг азиз байрамимиз нишонланадиган кунларда уларда эллик олти ёш оила уй тўйларини ўтказади. Келгусида бу ерда савдо ва маиший хизмат шахобчалари, бозорча, тиббиёт пункти ҳамда бошқа иншоотлар ҳам барпо этилади.

Бугун қўқонликлар Юртбошимизнинг ёшларга бўлган эътиборидан руҳланиб шундай хайрли ишларни амалга оширишмоқда. «Ёшлар йили Давлат дастури»ни ҳаётга изчил татбиқ этишмоқда. Зеро, ўз фарзандларининг камолини ўйлаган, уларнинг келажаги учун қайғурган эл ҳеч қачон кам бўлмайди. Ёш авлоднинг камолотини таъминлаш ҳаммага бирдек катта масъулият юклайди. Бу қутлуғ мақсадга биз ўғил-қизларимизни билимли, зеҳнли, қобилиятли фарзандлар этиб тарбиялаш билан биргаликда, уларга яхши ҳунар, касб-кор ўргатиш орқали эришамиз.

Қўқон педагогика коллежи жамоасининг бу борада олиб бораётган ишлари, айниқса, эътиборга молик. Ўтган ўқув йилида мазкур илм даргоҳини битирган 793 нафар талабанинг 87,4 фоизи ишга жойлашди. Уларнинг ўз мутахассисликлари бўйича меҳнат қилаётгани жамоадаги катта меҳнат, қизғин саъй-ҳаракатларнинг самарасидир. Бу қувончли натижа тажрибали педагогларнинг ўз вазифасига қанчалик масъулият билан ёндашаётганликларини кўрсатиб турибди. Ҳозир нафақат шаҳарда, балки Қўқонга туташ туманларда ҳам илм масканининг нуфузи баланд. Кўпчилик ўқувчилардан «Нега бу коллежни танлагансиз», деб сўрасангиз: «Болалигимиздан унда ўқишни орзу қилганмиз. Ўқитувчиларимиз ғамхўр, меҳрибон. Бизга чуқур билим беришади. Касбимиз сирларини яхши ўргатишади. Малакали мутахассис бўлиб етишишимиз учун куч-ғайратларини аяшмайди», — дейишади. Тўғриси, мавқеи баланд шундай даргоҳда ўқиётганликларидан фахрланишади. Олган билимлари, эгаллаётган ҳунарлари билан юртимизга муносиб фарзанд бўлиб етишишга, она-Ватанимизга садоқат билан хизмат қилишга интилишади. Шунинг учун ҳам коллеж талабаларига ҳамма ҳавас қилади. Фидойи жамоа ўқувчи ёшларга чуқур билим бериб, ҳунар ўргатишдек масъулиятли вазифани сидқидилдан адо этиб келмоқда. Маъмурият бунинг учун барча шароитларни яратиб берган. Тажрибали устоз-мураббийларнинг илмий-педагогик салоҳиятини йилдан-йилга оширишга муваффақ бўлмоқда. Уларнинг сафига ёш, иқтидорли, ўз соҳасини мукаммал эгаллаган фидойи мутахассислар келиб қўшилаётгани янада қувонарлидир.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ўзининг энг муҳим дастуриламалига айлантирган жамоада айни пайтда 203 нафар педагог меҳнат қилаяпти. Уларнинг 25 нафари «Халқ таълими аълочиси», 3 нафари «Ўрта-махсус касб-ҳунар таълими аълочиси», 4 нафари эса «Ижодкор ўқитувчи»лардир. Таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик фидокорна меҳнатлари учун 5 нафар ўқитувчи «Ўзбекистон мустақиллигига 15 йил» кўкрак нишони билан тақдирланган. Д. Маҳмудова, А. Эсонов, М. Парпиева, Ҳ. Каримов, Ш. Носирова каби ўнлаб тажрибали ўқитувчиларнинг илмий изланишлари, илмий-услубий мақолалари ва тадқиқотлари катта муваффақият қозонган. Фарғона вилоятидаги коллежлар ўртасида ўтказиб келинаётган «Педагогик ўқиш» танловида жамоа ҳар йили иштирок этиб, яхши натижаларга эришмоқда. Жумладан, Фазилатхон Неъматова физика, Ёркиной Ҳасанова мусиқа, Матлубахон Охунова жисмоний тарбия методикаси, Абдувоҳид Саримсоқов тасвирий санъат, Феруза Султонова кимё фани бўйича ўтган ўқув йилидаги танловнинг ғолиблари бўлишди.

Яна бир гап: илм масканида меҳнат қилаётган ўқитувчиларнинг йигирма нафари дастлаб шу ерда таҳсил олган. Сўнгра олий ўқув юртларида ўқиган. Малакали мутахассис бўлиб етишиб, коллежга ишга келишган. Салоҳиятли, иқтидорли устозлар қўлида таҳсил олиб, касб-ҳунар сирларини ўрганаётган 3 минг нафарга яқин ўқувчи бугунги кунда мактабгача таълим, бошланғич таълим, мусиқа таълими, жисмоний тарбия ва болалар спорти, мактаб ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар, информатика ҳамда коммуникацион технологиялар йўналишлари бўйича малакали мутахассис бўлиб етишишга интилмоқда.

— Ёшларимиз камолоти бизни қувонтиради, — дейди коллеж директори Нафиса Усмонова. — Бу йўлда олиб бораётган ишларимиз ўз самарасини бермоқда. Ўқувчиларимиз фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришмоқдалар. Шаҳримиздаги мактаблар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида умумтаълим фанлари бўйича яқинда бўлиб ўтган олимпиадада жамоамиз биринчи ўринни эгаллаб, вилоят босқичига йўлланма олди. Наргиза Усмонова рус тилидан, Гулбаҳор Мухторова информатикадан, Феруза Тожикаримова билан Дилсора Каримовалар она тилидан ўз иқтидорларини намойиш этишди. Юлдуз Аракулова ва Нилуфар Алимова эса «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи — 2008» кўрик-танловининг ҳудудий босқичида ғолиб бўлиб, вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўга киритишди.

Ёшларимизнинг спортда эришаётган ютуқлари ҳам қувонарли. Мураббий Авазхон Исломовнинг ўқувчилари Ҳасан-Ҳусан Эргашевлар Ўзбекистон Конституциясининг 15 йиллигига бағишлаб Жиззах шаҳрида ўсмирлар ўртасида енгил атлетика бўйича ўтказилган мамлакатимиз биринчилигида 1-2 ўринларни эгаллашди. Шу йил 21-23 февраль кунлари Тошкентда ўсмир ёшлар ўртасида бўлиб ўтган Ўзбекистон қишки очиқ чемпионатида Ҳасан уч минг метрга югуришда биринчи ўринни олиб, олтин медаль соҳиби бўлди. Ҳусан эса совринли ўринни қўлга киритди. Шу йил 2-3 март кунлари Тошкентда кураш бўйича ўтказилган Ўрта Осиё биринчилигида Мафтуна Комилова 57 килограмм вазн тоифасида фахрли учинчи ўринни эгаллади. Шу билан бирга, кураш бўйича Ф. Ҳожиматов, Г. Низомиддинов, бокс бўйича Ш. Исоқжонов, Н. Қодиров, волейбол бўйича З. Абдураҳимов ва О. Отажонов сингари ёшларимизнинг ютуқлари ҳам қувончли бўлмоқда. Улар Нукус шаҳрида бўлиб ўтадиган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларига қизғин ҳозирлик кўришаяпти. Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тез дунёга машҳур қила олмайди. Ҳар қандай муваффақият замирида тинимсиз меҳнат, сабр-тоқат, улкан матонат ётади. Спорт кишиларда ана шу туйғуларни тоблайдиган кучдир. Аслида, бу хислатларга эга бўлган инсон баркамол шахс тимсолидир.

Таълим ва ислоҳот

Ўқув даргоҳида ёшларнинг баркамол инсон бўлиб етишишлари учун барча шароитлар яратилган. Замонавий ўқув ускуналари ва жиҳозлари билан таъминланган 133 та ўқув хонаси, 73 мингга яқин китоб заҳирасига эга бўлган ахборот-ресурс маркази, 3 та қироатхона, 300 ўринли талабалар уйи, спорт, гимнастика, тренажёр ва мажлис заллари, 200 ўринли ошхона улар хизматида. Шунингдек, бу ерда ишлаб турган санитария-профилактика хонаси, музей, маънавият маркази, телестудия ва 50 дан ортиқ тўгаракларда талабалар маънавий ва жисмоний жиҳатдан чиниқишмоқда.

Нафиса Усмонова тажрибали ўқитувчи. 36 йиллик бой иш тажрибасига эга. 2004 йилдан буён жамоага раҳбарлик қилиб келмоқда. Педагоглик опа учун улуғ касб. Отаси Аъзамжон ака шу соҳада ишлаб, элда обрў-эътибор топди. Ўлмасхон опа олти фарзандни камолотга етказди. Нафиса опанинг оиласи Қўқондаги ибратли, зиёли оилаларнинг бири ҳисобланади. Турмуш ўртоғи Баҳодиржон Шокиров Қўқон педагогика институтида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Тўрт нафар фарзанди элга муносиб ёшлар бўлиб етишаётганидан фахрланишади.

Нафиса опа раҳбарлигида жамоада кўпгина ишлар амалга оширилди. Коллежнинг шарт-шароитлари ва имкониятлари яхшиланди. Устоз ва мураббийларнинг обрў-эътибори ошди. Ўқув маскани энг яхши коллежларнинг бирига айланди. Унда ҳар бир ўқув машғулотлари қизиқарли ўтади. Ўқувчилар устоз-мураббийларидан кўпроқ нарсаларни ўрганишга интилишади. Бўш вақтларини китоб ўқиш, турли тўгаракларга қатнашиб, ҳунар ўрганиш, маънан ва жисмонан чиниқиш пайида бўладилар. Коллеж ҳомийлигидаги 7-Яланғоч ота маҳалласи фуқаролари кечки пайт ёшларнинг ёнига қўшилиб, волейбол, футбол, теннис ўйнашади. Спорт майдончалари янада гавжумлашади. Бу ерда ҳар бир кун ўзига хос тарзда ўтади.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ. ®

«МЕҲРИМ ОНА-ЕРИМДА ҚОЛДИ»

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шуҳратнинг 90 йиллигига

У адабиётга меҳр қўйиб улгайди. Лекин бу меҳр кунлар келиб уни жабр-жафо билан, азоб-уқубатлар билан синовлардан ўтказишини билармиди?

У қаламга меҳр-муҳаббат қўйиб вояга етди. Лекин унинг қаламга бўлган бу қайноқ меҳри бошига қора кунларни солишини хаёлига келтирганмиди?



Шуҳрат адиб дўстлари Саид Аҳмад ва Раҳмат Файзий билан.

У шеърият осмонига юлдуз мисол порлаб чиқди. Аммо бу беғубор осмонни қора булутлар қоплашини, ўзи ҳам қора булут каби қора кунлар қуршовида қолиб кетишини сира ўйлаб кўрганмикин?..

Лекин гап адабиётда ҳам, қаламда ҳам, шеъриятда ҳам эмасди. Ҳамма бало аслида қаттол шўро тузумининг қаттол сиёсатида эди. Бу машъум сиёсатнинг тепасида қизил шўронинг фақат қизил фикрлайдиган раҳбарлари турарди.

Адиб ва шоир Шуҳрат шўро тузумининг жабру жафоларига қайта-қайта дучор бўлган ва уни мардонавор енгиб ўтган матонатли ижодкор ва жасоратли сиймолардан эди. Дастлаб машҳур шоир Усмон Носир қатағонга учрагач, унга "Усмоннинг думи" деган айб қўйилди. Бу "айб" ёш шоир Шуҳратга жуда қимматга тушди. Биринчи таъқиб, биринчи тинтув, қора кунлар... Адиб Ҳаким Назир ёзганидек: "Шу орада уруш бошланиб қолди-ю, Шуҳрат фронтга кетиб қутулди. Урушдан қайтгач, ижодга жиддий берилди. Матбуотда ранг-баранг ёзган шеърлари билан қатнаша бошлади. Радио тўлқинларида унинг янгроқ овози тез-тез янграб турарди. Лекин ёмон кўз билан тикилган кучлар қутқуси билан, қирқинчи йиллар охири кутилмаганда у ҳибсга тушиб қолди. Номини "миллатчи", "пантуркист", "халқ душмани" деган бўҳтонлар билан чалпишди. Бир неча йил қамоқ азобларини тортиб чиқди".

У урушда кўрган-кечирганлари ҳақида "Шинелли йиллар" номли илк романини ёзди. Роман тугар-тугамас шахсга сиғиниш офатига учради. Яна оғир синовлар бошланди. Шуҳрат эса метин иродаси ва жасорати туфайли бу дахшатли синовларга бардош бериб, она юртига омон қайтди. Қайтди-ю ижодга шўнғиди. Тинимсиз ижод туфайли "Шинелли филлар" романи ўқувчилар қўлига тегди. Сўнг Шуҳрат катта маҳорат ва жасорат билан "Олтин зангламас" романини яратди. Бу асар ҳам адиб Шуҳратга катта шуҳрат келтирди. Китобхонлар китобни қўлма-қўл ўқидилар. Мутахассислар ва ёзувчининг ҳамкасблари романни адабиётнинг ютуғи сифатида баҳоладилар. Ва бу асар адабиётнинг олтин фондидан ўрин олди.

Устоз адиб Абдулла Қаҳҳорнинг васияти ва унинг жанозасида сўзлаган нутқи учун Шуҳрат яна таъқиб остига олинди. Во дариғ, бир инсоннинг бошига шунчалар кулфат ёғиладими?Шуҳрат бу таъқибларга ҳам парво қилмай "Жаннат қидирганлар" романини яратди. Кўплаб шеърий асарлар ёзди. Пьесалари саҳнага қўйилди. Адабиёт оламига дастлабки қўйган қадамидан бошлаб, ўзига, қалами қудратига суянган адибни охир-оқибат дард йиқитди. Лекин унинг иродасини буколмади. Оташин кўзларидан нурни ололмади. Қалбидаги илҳомни ўчиролмади. Она-юртига бўлган чексиз муҳаббатни сўндиролмади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ёзганидек: "Шоир, адиб, драматург Шуҳрат замон азобларидан йиқилиб, тўшакка ёпишиб қолган чоғида ҳам титроқ қўллари билан ҳақиқат олдида титрамайдиган асарлар ёзди. Ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ўз номини қолдирди. Бу ном узоқ йиллар яшайди..."

Менинг ҳам севимли ёзувчиларимдан бири Шуҳрат эди. У кишини йиғинларда, давраларда кўрган бўлсам-да, лекин яқин боришга журъат этолмаганман. Сабр туфайли Худойим ўша муборак кунни насиб этди. Улуғ адиб ва шоир Шуҳратнинг табаррук хонадонига 1983 йилнинг жазирама ёз чилласида ёзувчи акамиз Нодир Норматов билан борган эдик. Ўшанда биз, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида бирга ишлардик. Мақсад: газетага Шуҳрат аканинг янги ёзган шеърларидан ундириш ва Нодир Норматов Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиш учун адибдан тавсиянома олиши керак эди.

Шуҳрат ака ҳовлидаги тарвақайлаб кетган улкан ўрик дарахти соясига қўйилган катта чорпояда бургут мисол ўтирган экан. Салом-аликдан сўнг биз ҳам чорпоянинг бир чеккасидан жой олдик. У киши олдин газета ҳақида гапирди. Газетамизнинг "Литературная газета"га ўхшаб яхши чиқаётгани, долзарб мавзуларни дадил кўтараётгани, адабиёт ҳақида янги ва ҳалол гаплар айтилаётганини мамнуният билан эътироф этди. Сўнг мени анграйиб турганимни кўриб, кимлигимни сўрадилар. Ўрнимга Нодир ака жавоб берди. Чунки мен бу улуғ адибнинг мўъжизалар яширинган нурли чеҳрасидан кўз узолмасдим. У кишининг гоҳо тўхтаб-тўхтаб гапираётган ўтли сўзларини берилиб тингладим. Қаршимда гўё тирик донишманд ўтирган эди. Бу самимий инсон ва ижодкорни киши тинглаб тўймасди. Шуҳрат ака фақат асарлари билан эмас, балки ҳар қандай одамни илк учрашувдаёқ ўзига мафтун этадиган сирли жозиба эгаси эди. Чорпоя устидаги хонтахтага дастурхон ёзилди. Аввал чой, сўнг чинни лаганда қовун олиб келишди. Шунда Шуҳрат ака менинг бир-икки машқларимга кўзлари тушганини айтиб, ёзаётган мавзуни чуқур, пухта ўрганиб, дадил ва қўрқмасдан ёзиш кераклигини алоҳида таъкидладилар. Юрагимизга жасорат уруғларини экдилар. "Қаламга хиёнат қилмаслик керак", — дедилар. У кишининг бу бебаҳо ўгитлари ҳамон сабоқ бўлиб келаётир. Ва айтиш лозимки, у кишининг ўзлари ҳам ҳеч қачон қаламга хиёнат қилмаганлар.

Болалигимда, китобга қизиқиш бошланганида учта шоирни кўпроқ ўқирдим: Миртемир, Шуҳрат, Зулфия. Насрий китобларга ўтгандан сўнг Шуҳрат аканинг романларини ҳам катта қизиқиш ва иштиёқ билан ўқиб чиққанман. Айниқса, "Шинелли йиллар", "Жаннат қидирганлар", "Олтин зангламас" севимли асарларимизга айланган. Яхши эслайман, бу китобларни ўқиш учун ойлаб навбатда турганмиз.

Мактабда раҳматли қариндошимиз — Робия аммам бизларга тил-адабиёт фанидан дарс бериш билан бирга мактаб кутубхонасида ҳам ишларди. Мен аммам туфайли китобларнинг сирли оламига шўнғиб кетган эдим. У пайтда танлаб ўқиш деган гап йўқ. Қўлимизга нима тушса ўқиб кетаверганмиз. Ва айтиш мумкинки, Шуҳрат аканинг ҳаёт нафаси билан суғорилган китобларини ўқиб, нимани ўқиш кераклигини ўргандик. Робия аммам Бухоро Давлат педагогика институтини тамомлаган эди. У киши институтда шоир ва адиб Шуҳрат билан бўлган ижодий учрашувни такрор-такрор айтиб берганлар. Бизда ҳам ёзувчи Шуҳрат билан учрашиш истаги туғилган. Лекин бунинг ўша пайтда ҳеч қандай иложи йўқ эди. Бу олис Жалойир қишлоғида ўқиётган мактаб болалар учун ширин хаёл эди холос.

Мана, Оллоҳ узоқ йиллар давомида орзиқиб кутилган ўша кунни насиб этди. Ушбу лаҳзаларда мендан бахтли, мендан шод одам йўқ эди. Чунки севимли ёзувчим билан юзма-юз ўтирган эдим. Шуҳрат ака бироз тутилиброқ гапирарди. Сабаби, оғир хасталикдан даволаниб, бироз ўзларига келиб қолган пайтлари экан. Хасталик Шуҳрат аканинг ўтли нигоҳига, жасоратли ва донишманд қиёфасига асорат етказмаганлиги шундоқ сезилиб турибди. Шуҳрат ака гўё ҳар қандай бўронларга, қишнинг қаҳратонига, ёзнинг жазирамасига дош берган мағрур қояга ўхшарди.

У кишини толиқтириб қўймаслик учун кўп ҳаёллама ўрнимиздан турдик. Шуҳрат ака таҳририятга яқин кунларда янги ёзган шеърларини етказадиган, Нодир акага ҳам тез кунларда тавсиянома ёзиб берадиган бўлдилар. Мен узоқ вақт ана шу учрашув ҳаяжони билан юрдим. Шуҳрат акани иккинчи марта газета таҳририятида — бош муҳаррир ўринбосари Иброҳим Ғафуровнинг хонасида кўрганман. У кишини газетага ўғли Бобур Алимов олиб келган экан.

Доимо Шуҳрат аканинг ҳаёт ва ижодини эласам, у кишининг нуроний чеҳрасини кўз олдимга келтирсам, енгилмас, матонатли қалам соҳибининг мағрурлик нурлари билан йўғрилган муборак сиймоси гавдаланади. Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад ёзганидек: "Шуҳрат катта шоир, моҳир романнавис. У ҳар қандай шароитда ҳам ижод масъулиятини унутмайдиган ҳалол ёзувчидир. Шуҳрат тўғрисида ўйлаганимда, ҳаёт инсонни умр бўйи синовдан ўтказади деган гапга ишондим".

Тақдир тақозоси билан Бобур Алимов билан бирга ишлаш насиб этди. Бизнинг кўп суҳбатларимиз асосан Шуҳрат домланинг фожеали тақдири ва оғир синовлардан ўтган ҳам нурли, ҳам изтиробли умри, шиддатли ижоди ҳақида боради. Ва бу суҳбатлардан аён бўладики, Шуҳрат акадай жасоратли, қўрқмас, довюрак, бағрикенг ҳамда дилидарё инсон ва ижодкорни топиш қийин. У киши миллат ва адабиёт бахтига бир келиб кетган улуғ ва мўътабар сиймо эди. Шу боис ҳам Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шуҳрат асарлари бугун ҳам қўлма-қўл бўлиб, севиб ўқилмоқда. Жумладан, ўзбек шеърияти ривожига улкан ҳисса қўшган "Сенинг севгинг" китоби ҳам. Бу китобнинг "Шарқ" НМАК томонидан қайта нашр этилиши эса шеърият мухлислари учун ноёб байрам бўлди.

Шеър ўқиганда кишининг руҳи ўзгача бир завқдан яйраши, вужудида ўта нозик ғалаёнлар рўй бериши, юрагида бетакрор маънавий-руҳий манзаралар чизилиши лозим. Бир лаҳза бўлса-да, ўқувчининг шеър дунёсига ғарқ бўлиши, дилбар ва гўзал мисралар қанотида парвоз қилишининг ўзи бахт. Бундай пайтда унинг вужуди кенгликларни қучмоғи, руҳ зиналаридан юқориламоғи даркор.

Таниқли шоир Шуҳратнинг шеърларини ўқиганда киши шундай ажиб ҳолатларга тушади. Шоир шеърнинг туғилишини шундай таърифлайди:

Юракнинг олови, юракнинг гули,
Юракдан сиқилган томчи-томчи қон...

Шеър аслида юрак чўғидан пайдо бўлади. Юракдан ловуллаб тўкилган мисралар ҳеч қачон завол бўлмайди, дафтар саҳифаларида қолиб кетмайди. Юрак тубидан қайнаб чиққан ўтли сатрлар ўз-ўзидан шеърпараст юракларга кўчади, адабиётга ташна юраклардан ўрин олади:

Шеърим, дунёга келдингми шу он
Исмимда қолма, қўй! Майли, ногаҳон —
Қўлимдан варракдек узилиб кетсанг,
Турналар сафига тизилиб кетсанг...

Сўнг шоир шеърга шундай қатъий талаб қўяди: "Қанотсиз қуш каби учолмай қолсанг, яхшиси, бу дунё юзини кўрма, ёш тўккан шоирнинг кўзини кўрма!" Ана шу юрак талабидан келиб чиқиб баҳолайдиган бўлсак, Шуҳрат ижодида ҳали кўп замонлар яшашга ҳаққи бор шеърлар мўл-кўллигини кўрамиз. Ва ишонч билан айта оламизки, шоирнинг катта қалб ва жўшқин юрак билан ёзган шеърлари ўзбек шеърияти бўстонидан аллақачон ўрин олган ва унинг ажралмас бир қисмига айланган. Ушбу китобдан асосан шоир юрагининг олови, гули бўлган шеърлар ўрин олган. "Ён, чироғим" туркумидаги шеърларида кўпроқ Ватан меҳри, она-ер соғинчи, табиат ва инсон муносабатлари, ижод завқи-ю азоблари, одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат, яхшилик ва ёмонлик мавзулари ёрқин мисраларда очиб берилган. Яхшилик, яхши инсон ҳақида Шуҳрат ҳамиша алоҳида меҳр билан ёзади:

Одаммисан, эзгу ишдан қўл узма,
Нокасларга шафқат қилма, қўл чўзма!
Яхшиларнинг елкасида бу олам,
Яхшиликни ният қилсин ҳар одам!

ёки:

Ижод қилдим виждоним тикиб.
Ижод қилдим умрим бағишлаб.
Ёмонликни фош этиб, сўкиб,
Яхшиликка ундаб, олқишлаб!

Шоир доим таъна тошларини отиб юрувчи ёмон кимсаларга қарата: "Эй, таъна тошларин отган кишилар. Сизни ҳам юрагим бугун олқишлар!", — дейди. Кечириш ҳам, бағрикенглик ҳам фақат яхши одамга хос фазилатдир. Биламизки, Шуҳратнинг ҳаёти ва ижоди бир текис, силлиқ кечмаган. Қамоқ азобларидан ташқари ён-атрофидаги "дўстлари" ҳам улкан ижодкорга гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона таъна тошларини отиб юрган. Лекин мард ва бағри кенг шоир ҳамма-ҳаммасини яхшилик ва яхши асарлари билан енгиб яшаган. Енгиб яшаш эса осон эмас.

Умр кўрдим аччиқ-чучук,
Йўллар юрдим паст-баланд.
Довон ошдим, гоҳо кечик,
Туз тотидим, гоҳо қанд...

Шоир "Сенинг севгинг" туркумида соф ва беғубор муҳаббатини, вафо ва садоқатини юксакларга кўтаради. "Умр йўлдошимга", "Севгинг талаби", "Гул узмоқчи бўлсам", "Сени севдим", "Кел, жоним, бўстонимга", "Чал, гўзал", "Ҳали ҳам ўшасан" сингари шеърларида ошиқ юракнинг изтироблари, дарду қувончлари турфа манзараларда, ҳолатларда очиб берилган. Масалан, "Юрагимнинг кўзи бор" шеърида бундай бебаҳо сатрлар бор:

Сени қандай танлаб олди, айт,
Юрагимнинг кўзи бўлмаса!
Сени қандай севиб қолди, айт,
Агар айтар сўзи бўлмаса.

Забардаст адиб ва бетакрор шоир Шуҳрат ҳақиқий маънода айтар сўзи бор бўлган улкан ижодкор эди. Ўз сўзини баралла айтиб, маҳорат ва матонат билан ёзиб, уни адабиётга муҳрлаб кетди. Бу бетакрор сўзни "Сокин ўйларим", "Ҳали тун узоқ", "Кавказ дафтари" туркумларидан ўрин олган шеърларини ўқиганда ҳам ҳис қилиш мумкин. Ўзбек шеъриятида Кавказ мавзусини Шуҳрат акачалик ҳеч бир ижодкор катта меҳр ва жозиба билан қаламга олмаган. "Кавказ дафтари"ни ўқиркансиз, гўё Боку кўчаларида, "Шинель кийган ёшлигимни соғиниб келдим", дейсиз. "Арман раққосаси" ўйинларига мафтун бўласиз. Тбилисида юраркансиз, "Мен ёмонлик кутмайман ҳеч дўсту ёрдан!", деб ҳайқирасиз. "Қалбингизда умрбод қолган" Каспий тўлқинларини соғинасиз. "О, Казбек, улуғ зот, машҳури олам", дея ҳайрат билан боқасиз. Ва бу сатрлар йиғилиб қалбингизда бетакрор Кавказ манзараларини чизиб ўтади. Сизни ҳам ушбу тоғлардай юксак бўлишга чорлайди.

Китобни ўқиркансиз, ундаги шеърларни шоир юрагининг кўзи билан кўрасиз, шоир юрагининг дардлари ва завқи билан ўқийсиз. Ва гўзал шеърлар сизнинг ҳам юрагингизнинг маънавий мулкига айланади. Шунда сиз ҳам шоирнинг ушбу ўтли мисраларини беихтиёр такрорлайсиз:

Бутун умрим шеъримда қолди,
Меҳрим она-еримда қолди.

Муҳтарам Президентимизнинг 2003 йил 26 августдаги Фармонига асосан Ўзбекистон фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан, адабиёт ва санъат арбоблари қаторида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шуҳрат (Ғулом Алимов) ҳам "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотланди. Бу шарафли мукофот Шуҳрат ҳаёти ва ижодига ҳайкал қўйгандек бўлди.

Агар Шуҳрат ижоди синчиклаб ўрганилса, унда миллатнинг миллий тикланиш ғоялари акс этганини кўрамиз. Шоир шўро сиёсати зуғумларини, азобларини мунтазам тортишига қарамай, онаерини, миллий қадриятларини, урф-одатларини мислсиз даражада севгани, қадрлагани ҳар бир асарида уфуриб турибди. Миллий руҳ билан суғорилган бу асарларнинг ҳам, уни яратган ижодкорнинг ҳам умри боқийдир.

Ашурали ЖЎРАЕВ.

ИБРАТГА АРЗИГУЛИК УМР

Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг қўш қанотидир. Шундай маърифатли инсон, бугунги кунда минглаб шогирдлари республикамизнинг турли оммавий ахборот воситаларида самарали меҳнат қилаётган, кўплаб маҳоратли, тажрибали журналистларга устозлик қилган олим Анвар Каримовдир.

Эҳтиром

— Инсон дилида ниш урган орзу-умидлар шундай нурли шафақки, — дейди домла, — у ўзининг жозибаси, сеҳри билан кишини мудом бунёдкорликка чорлайверади. Бу ниятларга эришишда эса, албатта, устозларнинг ўрни катта. Устозларим Матёқуб Қўшжонов, Аюб Ғуломов, Фозила Сулаймонова берган таълим-тарбиянинг маънавий илдизлари намоёнини бугунги кунда ўзимнинг фаолиятимда ҳам кўрмоқдаман. Билим ва ҳунарни эгаллашдан мақсад одамийликни касб этишдир. Қанотларининг кўтарилиши туфайли ҳаво қушнинг учишига ёрдам беради, ҳаёт бўстонидаги ҳаракат ва интилишлари туфайли инсон ҳам ҳаётнинг юқори чўққиларига кўтарилади.

Ўзгаларга зиё бахш этмоқ учун қалб қуёш каби порлаши лозим. Устоз Анвар Каримовнинг қалбини қуёшга менгзасак, хато бўлмас. Шу сабабли ҳам у ҳар бир талаба, шогирдининг қалбига албатта йўл топа олади. «Вақт бизнинг ихтиёримиздан ташқари, шунинг учун ҳам уни тутиб тура олмаймиз. Лекин ундан унумли фойдаланиш сизларнинг ихтиёрингиздa. Зеро, улуғликка кўтарилиш учун бир умр риёзат керак, тубанликка тушиш учун эса бир он кифоя. Исрофгарчиликнинг ҳамма тури ҳам ёмон. Аммо улар ичида энг ачинарлиси умрнинг исрофидир». Устознинг бу сўзлари неча йиллардан буён қанчалаб шогирдлар учун билим ва ҳаёт йўлидаги маёқ вазифасини ўтаб келди.

Домланинг босиб ўтган умр йўлини ибрат мактаби деб атагимиз келади. У киши мудом изланишлар, самарали ижод билан ҳамнафас, ҳамроҳ. Бугуннинг ёшлари, уларга яратилаётган имкониятлар ҳақида Анвар Каримовнинг фикрлари шундай:

— Жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши ёшларимиз камолоти йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми бўлди. Бизнинг ёш авлодга ҳавас қилса арзийди, чунки улар буюк аждодларимизнинг авлодлари, давомчилари. Ёш авлодга шундай дегим келади: меҳнатни севинг, изланинг, яхши ниятларни кўнгилга жо қилиб, ҳаракат ва яна ҳаракат қилаверинг. Ана шунда бахт манзилига, албатта, етасиз.

Устоз бу сўзларни шунчаки, бировга ўргатиш учунгина айтмайди. Булар у кишининг умри давомида орттирган тажрибаларига асосланиб айтилган ўгитлар. Бағрикенг домлага мустаҳкам соғлик, шогирдлари, яқинлари бахтига ҳамиша омон бўлишларини тилаймиз.

Шаҳло АБДУРАҲМОНОВА.

Ҳаётга боқиб

КЎНГИЛДАН ЎТГАН ФИКРЛАР

Баъзи аёллар қайнона бўлгач оналик нима эканини унутиб қўядилар.

* * *

Сени орзу қилдим, изладим, ортингдан қувдим ва йўқотиб қўйдим — олдимдан оққан сув.

* * *

Фақатгина биргина нарсага замоннинг дахли йўқ. Бу — аёл иффати.

* * *

Баъзи инсонлардаги энг оғир хасталик ношукрликдир.

* * *

Бахт — бошланиши ва охири йўқ нур.

* * *

Қизиқ! Нега ўзгалар дардини юк санамаган юрак ўз дардини кўтара олмайди?! Ҳа, бардош деганлари жуда қиммат туради.

* * *

Қалб бўшлиги — тузалмайдиган дард.

* * *

Гоҳо севган қалбни жуда арзон баҳолаймиз.

* * *

Ҳасадгўйларга осон тутманг! Ахир, улар ўзлари ҳақда эмас, ўзгалар ҳаёти хусусида қайғурадилар.

* * *

Бағритош инсонни айблашга ошиқманг! Ҳаёт ҳар нарсага қодир!

* * *

Нега муҳаббат ўзи билан гулдек кўнглимизга тонгги шабнам мисоли жозиба олиб киради-ю, кетар чоғи армон ва изтироблар гирдобида шундоқ ҳам тўкилиб бўлган қалб гулимизни узиб, топтайди?!

Севара АБДУСАЛАМОВА.

Юртимизнинг барча гўшаларида ҳануз Наврўз шукуҳи ҳукмрон. Дошқозонларда қайнаётган сумалак, ҳалим каби баҳорий таомларнинг ёқимли ҳиди димоққа урилади. Куй-қўшиқ, ялла-ю лапарлар авжида. Юртдошларимиз Наврўзни ана шундай завқу сурур билан нишонламоқдалар.

БАЙРАМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қарши педагогика коллежидаги сумалак билан бошланган байрам тадбири ўзига хослиги билан йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Дастлаб коллеж директори Рустам Ражабов барчани айём билан қутлаб, ҳаммага эзгу ниятларини билдирди.

Миллий либослари ўзларига ярашган, бошларига баҳор чечакларини тақиб олган лобар қизлар ижро этган Наврўз ва баҳорни мадҳ этувчи қўшиқлар, дилбар ғазаллар, театрлаштирилган томошалар дилларни хушнуд этди. Айниқса, Одил Бобоев, Амрилло Тўхтаев, Собир Турдиев, Гулнора Раҳимова раҳбарлик қилаётган бўлимлар талабалари фаол иштирок этишди.

Тадбир сўнгида иштирокчиларга коллеж маъмурияти томонидан байрам совғалари топширилди.

Файзулла ЭШҚУЛОВ.

Аудиторская организация ООО «TAHLIL — EKSPERT» зарегистрированная Министерством Юстиции РУз за № 1009 от 1 апреля 2005 г, расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Бобура-22 (ИНН: 205583406) ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение собрания учредителей № 7 от 07.03.2008 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня опубликования указанного объявления.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Охунбобоев филиали қатъий ҳисобда турувчи № 3941051-3941075 рақамли 25 (йигирма беш) дона йўқолган ТХ-1Ш патталарини бекор қилади.

Утерены ценный бумага Ф 430 с № 2198826 по 2199000 выданные Мехнатским филиалом Ипотека банк на имя Новикову А. С. считать недействительным.

Утерянный гос. ордер № 08-01/14949 от (дата) 26. 01. 93 права собственности на квартиру на имя Махмудовой Веры Александровна считать не действительным.

Утерянную чековую книжку с № № НБ 3731026-3731050, выданную Учтепинским отделением НБ ВЭД РУз для ООО «Gul- lazzat Servise» считать недействительной.

Утерянный гос. ордер № 06-02/10389 от (дата) 01. 03. 93 права собственности на квартиру на имя Абдурахмоновой Озоды Каримовны считать недействительным.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш — ИХТИСОНИЙ-СИЕСИЙ ГАЗЕТА — MILLIY TIKLANISH

Бош муҳаррир Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 233-67-51. Бўлимлар — 236-58-73.
E-mail: milliy-tiklanish@mail.ru

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

® - Тижорат материали

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Босишга топшириш вақти 22.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 323.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2848
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 6

Босишга топширилди — 23.00